

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХОРИЖИЙ ҒЎЗА НАВЛАРИНИНГ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ЎРГАНИШ

¹Кадам Жуманиязов, т.ф.д., профессор,
<https://orcid.org/0000-0002-2868-8922>

²Бобоев Яшин Аманович, қ.х.ф.д., профессор,
<https://orcid.org/0000-0001-5527-5480>,

¹Джунаева Лола Анваровна, т.ф.ф.д.,
<https://orcid.org/0009-0009-7689-2635>

¹Райимқулов Жаҳонгир Қулмуродович, т.ф.ф.д., катта илмий ходим,
<https://orcid.org/0009-0007-9550-9158>

¹Толали экинлар илмий-тадқиқот институти,

²Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти.

Аннотация. Республикада етиштирилган хорижий ғўза навларининг сифат кўрсаткичларини ўрганиш ва уларни sanoatда қўллаш ва пахта экинларининг унмудорлигини ошириши, маҳсулот сифатини яхшилаш тадбирларида жуда муҳим аҳамиятга эга. Мақолада жаҳон ҳамкорлигида пахта маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи ортиб бораётгани муносабати билан Ўзбекистонда етиштирилган хорижий ғўза навларининг сифат кўрсаткичларидан микронейр, юқори ўртача узунлиги, тола ширадорлиги, чигитнинг 1000 дона массаси, механик шикастланиши бошқа кўрсаткичлар таҳлил қилинди. 2024-2025 йилда Республикада етиштирилган хорижий ғўза навларидан олинган тола ва чигит намуналари асосида экспериментлар ва тажрибалар ўтказилди ва гистограммалар тузилди.

Калит сўзлар: пахта, хорижий ғўза нави, микронейр, юқори ўртача узунлиги, сифат кўрсаткичи, чигит, тола ширадорлиги.

Аннотация. Изучение показателей качества зарубежных сортов хлопчатника, выращиваемых в республике, и их применение в промышленности и повышение урожайности хлопчатника, имеет большое значение в мероприятиях по улучшению качества продукции. В статье проанализированы качественные показатели как микронейр, верхняя средняя длина, содержание волокна, масса 1000 штук семян, механическая поврежденность и другие показатели качества зарубежных сортов хлопчатника. На основе образцов хлопкового волокна, из зарубежных сортов хлопчатника, выращенных в Республике в 2024-2025 годах, были проведены эксперименты и опыты, и составлены гистограммы.

Ключевые слова: хлопок, зарубежный сорт хлопка, микронейр, верхняя средняя длина, качественные показатели, семена, клейкость хлопкового волокна.

Abstract. Studying the quality indicators of foreign cotton varieties grown in Uzbekistan, their application in industry, and increasing cotton yields are crucial for improving product quality. This article analyzes quality indicators such as micronaire, upper average length, fiber content, thousand-seed weight, mechanical damage. Experiments and trials were conducted using cotton fiber samples from foreign cotton varieties grown in Uzbekistan in 2024-2025, and histograms were compiled.

Keywords: cotton, foreign cotton variety, micronaire, upper average length, quality indicators, seeds, cotton fiber stickiness.

Кириш. Республикада етиштирилган хорижий ғўза навларининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш ва уларни sanoatда қўллаш ҳамда пахта ҳосилдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш тадбирлари жуда муҳим аҳамиятга эга. Жаҳон ҳамжамиятининг пахта маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи ортиб бораётгани муносабати билан Ўзбекистонда етиштирилган хорижий ғўза навлари пахта толасининг сифат кўрсаткичларидан микронейр, базавий кўрсаткичлари динамикаси, юқори ўртача узунлиги, пахта толасининг чиқиши ва бошқа кўрсаткичлар таҳлил қилинди.

2024-2025 йиллар ҳосилида Ўзбекистон Республикасининг кўплаб ҳудудларида Хитой, Испания, Туркия ва бошқа хорижий ғўза навлари пахта селекцияси етиштирилди. Ғўза навлари ва дурагайлари уруғларини импорт қилиш ва сақлаш, ҳар бир навга хос юқори самарали агротехнологияларни қўллаш, пахта-тўқимачилик кластерлари ва кооперациялар ғўза навларини кафолатланган уруғлик таъминотига мувофиқ эркин жойлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди [1].

Толали экинлар илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан хорижий нав пахта толасининг микронейр кўрсаткичи, юқори ўртача узунлиги, тола чиқиши, 1000 дона чигит массаси ва чигитнинг механик шикастланиш даражаси

бўйича синовлар лабораторияда ўтказилди. Бундан ташқари, маҳаллий ғўза навлари толаси билан таққослаш ишлари ҳам амалга оширилиб, «Textechno» тизимида инструментал усулда таҳлиллар бажарилди. Пахта толасининг физик-механик хоссаларини аниқлаш учун намуналар маълум даражада ГОСТ 10681 бўйича лаборатория иқлим шароитида бўлиши керак. [2,3] (хонанинг ҳаво ҳарорати ва намлиги).

Ўзбекистонда етиштирилган хорижий пахта селекцияси бўйича сифат кўрсаткичларидан микронейр кўрсаткичининг таҳлил натижалари 1 гистограммада келтирилган. Келтирилган барча намуналар О`zMSI 424:2024 стандарти бўйича танлаб олинди ва пахта толасининг хорижий ғўза навларини сифат кўрсаткичларини аниқлаш бўйича тажрибалар ўтказилди. Ҳар бир намуна синовдан ўтказилди, таҳлил қилинди, пахта маҳсулотларининг физик-механик хоссалари бўйича жадвал ва гистограммалар тузилди [4].


Айтиш мумкинки, Республиканинг айрим вилоятларида хорижий селекция навларининг пахта толаси намуналари таҳлил натижалари асосида микронейр кўрсаткичи меъёрлари рухсат етилган тафовут бўйича яхши натижалар олинди. Олинган таҳлил натижалари асосида Xin Lu Zhong-52, Xin Lu Zhong-78, Eliza va Livzara ва бошқа навларини Республиканинг кўплаб вилоятларида етиштириш мумкин

бўлади. Республикада етиштирилаётган хорижий ғўзанинг кўплаб селекция навлари ўзбек пахтасига жуда ўхшаш бўлиб, тўқимачилик фабрикаларида сифатли ип-калава ишлаб чиқариш имконини бермоқда.


Натижалар ва мунозара. Толанинг узунлиги тупроқ-иқлим шароитига, етиштириш агротехикасига, шунингдек навнинг ўзига хос биологик хусусиятларига қараб ўзгаради. Илмий лабораторияда толанинг юқори ўртача узунлиги

бўйича хорижий ғўза навларининг бир нечта тажрибаларини ўтказилди ва улардан яхши натижалар олинди.

Ўза навларининг тола узунлиги бўйича бир неча қайтаришда тажрибалар ўтказилиб, яхши натижалар олинди. 2 Гистограмма маълумотларида, Ўзбекистонда етиштирилган хорижий навлар пахта толасининг юқори ўртача узунлиги кўрсаткичи баъзи навларнинг узунлиги 4 типга, баъзилари эса 5 типга мослигини кўриш мумкин.



1-гистограмма. Республикада етиштирилган хорижий навларнинг микронейр кўрсаткичлари



2-гистограмма. Республикада етиштирилган хорижий ғўза навларнинг юқори ўртача узунлик кўрсаткичлари

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида етиштирилган хорижий ғўза навларининг 2024-2025 йиллар учун чигит сифат кўрсаткичларининг натижалари

2024 ЙИЛ ҲОСИЛИДАН ОЛИНГАН НАТИЖАЛАРИ

№	Туман номи	Селекция номи	Чигит механик шикастланиши, %	1000 дона чигит, гр	Чигит минерал ва органик аралашмаси, %	Бенедикт усули бўйича ширадорлигини баҳолаш	Чигитларнинг сифат кўрсаткичлари бўйича даражалари
Қорақалпоғистон Республикаси							
1	Амударё	Xin Lu Zhong-52	0,04	93,4	0,2	Ширадорлик йўқ	Чигитлар енгил
2	Нукус	Xin Lu Zhong-52	0,03	90,0	0,2	Ширадорлик йўқ	Чигит майда, чигитдан толани ажратишда толада чигит қобиғи билан ажралди
3	Беруний	Xuay Min-52	0,02	97,2	0,1	Ширадорлик йўқ	Чигитлар майда
4	Чимбой	Xin Lu Zhong-52	0,01	106,3	0,2	Ширадорлик йўқ	Чигитдан толани ажратишда толада чигит қобиғи билан ажралди
Хоразм вилояти							
1	Урганч	Xin Lu Zhong-78	0,02	112,3	0,4	Кучсиз рухсат этилган даражада	Чигитлар яхши, бир хил кўринишида
2	Кўшқўпир	Неч-06 (Хиндистон)	0,03	140,0	0,2	Ширадорлик йўқ	Чигитлар думалоқ, семиз, бир хил кўринишида
Сурхондарё вилояти							
1	Денов	Xin Lu Zhong-52	0,02	97,9	0,1	Ширадорлик йўқ	Чигитдан толани ажратишда толада чигит қобиғи билан ажралди
Тошкент вилояти							
1	Юқори Чирчиқ	Xin Lu Zhong-52	0,02	90,0	0,2	Ширадорлик йўқ	Чигитлар майда

2025 ЙИЛ ҲОСИЛИДАН ОЛИНГАН НАТИЖАЛАРИ

№	Туман номи	Селекция номи	Чигит механик шикастланиши, %	1000 дона чигит, гр	Чигитнинг минерал ва органик аралашмаси, %	Бенедикт усули бўйича ширадорлигини баҳолаш	Чигитларнинг сифат кўрсаткичлари бўйича даражалари
Сирдарё вилояти							
1	Баёвут	Xin Lu Zhong-87	0,07	84,7	0,4	Ширадорлик йўқ	Чигитлари майда, пуч чигитлар орасида чикди, чигит формаси ҳар хил
2	Баёвут	Xin Lu Zhong-57	0,02	82,41	0,1	Ширадорлик йўқ	Чигитлари тўла, думбоқ, формалари бир хил

№	Туман номи	Селекция номи	Чигит механик шикастланиши, %	1000 дона чигит, гр	Чигитнинг минерал ва органик аралашмалари, %	Бенедикт усули бўйича ширадорлигини баҳолаш	Чигитларнинг сифат кўрсаткичлари бўйича даражалари
Тошкент вилояти							
3	Юқори Чирчиқ	Иситана (Испания)	0,01	90,8	0,4	Ширадорлик йўқ	Чигитлари майдароқ, яхши жинланган, чигит формаси бир хил
4	Юқори Чирчиқ	Навелла (Испания)	0,4	878	0,6	Ширадорлик йўқ	Чигитлари майдароқ, кўкимтир рангда, яхши жинланган
5	Юқори Чирчиқ	Татемна (Испания)	0,9	89,4	0,7	Ширадорлик йўқ	Чигит формаси ҳар хил, майдароқ, жинлашда чигитлар синиш ҳолати кузатилган
Хоразм вилояти							
6	Боғот	Элиза	0,02	111,2	1,1	Ширадорлик йўқ	Чигитлари дўмбоқ, тўла, форма бир хил
7	Янгибозор	Жин Кем-1402	0,02	133,5	0,8	Ширадорлик йўқ	Чигитлари дўмбоқ, тўла, формаси бир хил
8	Янгибозор	Xin Lu Zhong -78	0,02	89,2	0,9	Ширадорлик йўқ	Чигитлари бир хил, дўмбоқ, яхши жинланган
9	Боғот	Ливзара (Туркия)	0,04	75,32	1,2	Кучсиз рухсат этилган даражада	Жинлаш жараёнида тола олиниши қийин, чигитда тола қолиб кетган, формаси бир хил
10	Янгибозор	Xin Lu Zhong -87	0,04	139,6	0,6	Кучсиз рухсат этилган даражада	Жинлаш жаранида тола чигитда қолиб кетган, чигити майдароқ
11	Хива	Ладос	0,02	96,21	0,4	Кучсиз рухсат этилган даражада	Тола чигитда қолиб кетган, чигит формаси бир хил, дўмбоқ, ичи тўқ
12	Кўшқўпир	Неч-06 (Ҳиндистон)	0,02	109,5	0,3	Ширадорлик йўқ	Чигитлари дўмбоқ, размери катта, жинлаш жараёнида чигитда тола яхши олинган
Наманган вилояти							
13	Норин	Xin Lu Zhong -78	0,01	91,90	1,3	Ширадорлик йўқ	Чигитлари дўмбоқ бир хил
Андижон вилояти							
14	Улуғнор	Xin Lu Zhong -87	0,02	83,81	0,2	Кучсиз рухсат этилган даражада	Формаси ҳар хил, чигит майдароқ, жинлаш жараёнида тола яхши ажралган

Толали экинлар илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан пахта-тўқимачилик кластерлари тасаруффидаги пахта тозалаш корхоналарининг синов лабораторияларида чигитларнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш бўйича тажрибалар ўтказилди. 1000 дона чигитнинг массаси ва чигитларнинг механик шикастланиши ва бошқа кўрстакчилари бўйича синов натижалари келтирилган [5,6].

Хулоса. Жорий йилда Республикаимизнинг барча ҳудудларида тола чиқишини ва бошқа сифат кўрсаткичлар

бўйича тажрибаларни давом еттириш режалаштирилган. Пахта толасининг истеъмол ва физик-механик хусусиятлари бўйича жаҳон бозори талабларига жавоб беради ҳамда яхшиланиш тенденциясига эга. Хорижий селекция навларини жорий этиш, пахта тозалаш саноти фаолияти самарадорлигини ва рақобатбардошликни ошириш, калава-ипни ҳамда ундан ишланадиган газламалар ассортиментининг янги турини истиқболли бозорларга олиб чиқиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти 15 декабрь 2023 йил 391-сонли «Пахтачиликда уруғчилик тизимини ривожлантириш ҳамда пахта ҳосилдорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.
2. Пахта толасининг микронейр, чизикли зичлиги ва пишиб етиганлик коэффициентини аниқлаш қўлланмаси., FMT:002., Rev.2/12., Textchno.
3. ГОСТ 10681 Материалы текстильные. Климатические условия для кондиционирования и испытания проб, методы их определения.
4. O'zMSSt 424:2024 Пахта толаси. Намуна танлаб олиш усуллари.
5. Толали экинлар илмий-тадқиқот институти., «Пахта толасининг физик-механик хоссаларини аниқлаш бўйича илмий-тадқиқот лабораторияси» ҳисоботи., 2024 й.